

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:  
№ БД-5120300-3.04  
2012 йил " 16 " 08



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2012 йил 16 08

**ЖАХОН ТАРИХИ**

**ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 100000 Гуманитар соҳа  
Таълим соҳаси: 120000 Гуманитар фанлар  
Таълим йўналиши: 5120300 Тарих (жон мамлакатлари бўйича)

Ташкент 201

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
201~~2~~ йил “~~24~~ ~~01~~” даги “~~60~~”-сонли буйруғининг ~~2~~ -иловаси  
билим фан дастири рўйхати тасдиқланган.

Фан дастири Олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими йўналишлари  
бўйича Ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи  
Кенгашининг 201~~2~~ йил “~~18~~ ~~03~~” даги ~~4~~ -сонли баённомаси  
билим маъқулланган.

Фан дастири Ўзбекистон Миллӣ Университетида ишлаб чикилди

#### Тузувчилар:

А.А.Бийкузинев  
Д.Ж.Ураков  
А.Г.Холлиев  
А.А.Розаков

- “Жаҳон тарихи” кафедраси ўқитувчиси
- “Жаҳон тарихи” кафедраси доценти, т.ф.н.
- “Жаҳон тарихи” кафедраси доценти т.ф.н.
- “Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси

#### Такризчилар:

Р.Н.Турсунов

“Жаҳон тарихи” кафедраси доценти, т.ф.н.

Ў.Н.Мансуров

ТДПУ “Ўзбекистон тарихи ва тарих ўқитиш  
методикаси” кафедраси доценти т.ф.н.

Фан дастири Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллӣ  
Университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия килинган (201~~2~~ йил  
“~~14~~ ~~02~~” даги “~~4~~” сонли баённома)

## I. Ўкув фанининг долзарблиги ва олий қасбий таълимдаги ўрни

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама интеграциясини чукурлаштириш каби долзарб масалани хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий тараккиётини тарихий нуткай назардан ўрганмасдан ҳал этиб бўлмайди. Жаҳон тарихини мукаммал дараражада билмок инсоният цивилизациясининг ютукларидан ва тажрибасидан тўла баҳраманд қизлари, умуминсоний қадрияларни англаб этишга кўмаклашади ва дунё миқёсида мавжуд бўлган муаммоларнинг тарихий иллизларини илгаб топишга имконият яратади.

Ушбу дастурда "Жаҳон тарихи" фанидаги дунё ҳалкларининг энг қадимги замонлардан XX аср бошларига қадар босиб ўтган узок ва мураккаб тарихий йўли, жумладан, ижтимоий-сиёсий, иктиносий, маданий ва маънавий жарабёнларни атрофлича ўрганиш ҳамда фанинг ривожланиши конуниятлари ва мазкур фанинни таснифи каби мухим масалалар тўлик акс этган.

Шунингдек, ушбу дастур юкорида кўрсатиб ўтилган долзарб муаммоларни тарихий иллизларини илмий таҳлил этишга ёрдам беради.

## II. Ўкув фанининг мақсади ва вазифалари

**Фанин ўқитвишининг мақсади** - Жаҳон тарихининг турли боскичларида рўй берган мухим воеалар ва жарабёнларни, инсониятнинг кўп асрлар тараккиётiga катта таъсир кўрсатган омилларни, тарихий ривожланиши давомида турли мамлакатлар ва минтақаларга ҳос бўлган ҳусусиятларни, дунёнинг турли чеккаларida рўй берган воеалар ва жарабёнларнинг кўп ходларда ўзаро боғлиқигини, тарихий ривожланишининг барча мамлакатлар учун умумий конуниятлар мавжудлигини тадқик этишдан иборат.

**Фанин ўқитвишининг вазифалари** - Жаҳон тарихининг турли боскичларида рўй берган мухим воеалар ва жарабёнларни ўрганиш, тарихий тараккиётга таъсир кўрсатган омилларни таҳлил этиш, тарихий ривожланиши давомида мамлакатлар ва минтақалар тарихига ҳос бўлган ҳусусиятларни очиб бериш, ҳалкларининг менталитети, урф-одатларини, маданиятини илмий тадқик этиш, дунё ҳалкларининг ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий ва этник эволюциясинин асосий боскичлари ҳамда йўналишларини тушунтиришдан иборат.

Фан бўйича таълабаларнинг билим, кўнишка ва малакаларига қўйилдаги таълаблар қўйилади. *Таълаб:*

- жаҳон тарихи давринини ҳусусиятлар, ҳунармандчилликнинг кишлук хўжалтидан ажralиши, иштаоб чиқарувчи кучларини ўсиши, феодал шаҳарларини найдо бўлиши, ривожланиши, товар-пул муносабатлари, феодал жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, маданий ва диний ҳайтидан и ўзариншар ҳакида тасаввурга жа бўлиши керак.

-феодал жамиятнинг ривожланиб, ўзининг энг хусусиятларини йўкотиши ва ўз ўрнини янги иктисадий муносабатларга бўшатиб бериши, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келишини тўғри тушуниш *кўникмаларига ҳа бўлиши керак*.

- жаҳон тарихининг (кадимги шарқ, кадимги юнонистон ва рим, илк ва сўнгти ўрга асрлар, Осиё ва Африка, Европа ва Америка давлатлари) даврида рўй берган ишлаб чиқаришнинг янги илғор муносабатларига ўтиш учун бевосита шарт-шароит вужудга келганини таҳсил килиш, янги ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлик бўлган ҳалқ оммасининг эски феодал тузумидан норозилиги, миллӣ-озодлик харакати, Европа миқёсида биринчи марта галаба килган буржуа инклиби, янги буржуа давлатининг ташкил топиши, ривожланиши, Европа ҳалсларининг янги даврига ўта бошлиши. Жамият тараккиётини боскичлари жараёни *малакаларига ҳа бўлиши керак*.

### III. Асосий назарий килем (маъруза машғулотлари)

#### КАДИМГИ ШАРҚ ТАРИХИ

##### Кадимги Шарқ тарихи манбашунослиги

Кадимги Шарқ тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги тушунчаси. Манба турлари ва уни ўрганиш методикаси. Кадимги ёзма манбалар сферагистика ва нумизматика. Археологик манбалар. Меморчилик ёлгориллари. Кадимги Миср тарихшунослиги ва манбашунослиги. Г.Кarterинин археологик изланишлари. Тутанхамон макбараси. Кадимти Миср ёзуви ва Ж.Шампалион. Манефон. Кадимги Миср алабиёти.

Икки дарё оралиги (Месопотамия) манбашунослиги ва тарихшунослиги. Ёзма манбалар. Хамураппи конунлари. Ҳукмдорлар рўйхати. Лимму Борроес. Ассам цилендри.

Кичик Осиё тарихи манбашунослиги, археологик изланишлар. Чатал Гуюк. Троя. Г.Шлизмен, Д.Медлард, Б.Гројний, нумизматика.

Кадимти Сурия, Паластин, Финикия манбашунослиги ва тарихшунослиги. Ёзма манбалар. Яхудийликнинг асоси.

Кадимги Эрон манбашунослиги ва тарихшунослиги. Археологик манбалар. Жармо, Жойтун, Хисор, Суза, Шахтепа, Шахри-Сохта, Марлик. Экбатан, Персополь. Кадимги Эрон тарихига оиз юон манбалар. Кадимги Хиндистон манбашунослиги. Монганджа-даро, Ҳараппа, Лотхаль, Калибанган, Шертугай, Паталинутра, Гакинда. Ману конунлари. Атхашастра.

Кадимти Хитой манбашунослиги. Археологик ёзма манбалар. Чжо-Коу-Динь, Елан манбалари маъдумотлари. Аньянъ, Лоян, Цинь-Ши Шуанди макбараси. Аньянъ ёзма манбалари. Сима Цинь солномаси. Кадимти Хитой алабиёти манба сифатида.

Кадимти дарё цивилизациялари. Эҳромлар даврида Кадимги Миср

Кадимги Миср тарихига оид манбалар ва манбашунослик. Табиий шароити ва ахолиси. Илк зироаткор дехкон кабилалар. Нил воҳасига жойлашиши. Миср тарихини даврлаштириш. Манефон. Мисрда стратификациялашган жамият вужудга келиши. Илк шаҳарлар ва давлатлар пайдо бўлиши. Мисрда марказлашган давлат шакланиш жараёни. Илк шоҳлик. I ва II сулолалар. Нармер. Мина. Мемфис. Жер. II сулола. Қадимги шоҳлик даври. III сулола. Жосер ва Имхотеп ислоҳотлари IV сулола. Фиръавилларнинг фаолияти. Снофурунинг ташки сиёсати. Хуфу. Ҳафра ва Менкаура. V-VI сулолалар. Қадимги шоҳлик парчаланиши. Биринчи ўткини боскич. VII-VIII сулолалар. Қадимги шоҳлик даврида ижтимоий-иктисодий муносабатлар. Миср яка ҳукмронлиги. Фиръавилларни ҳукуклари. Чати. Давлат маъмурияти. Ҳарбий кучлар. Номлар ва маҳаллий маъмурияти. Давлат хизматчилари. Мирзалар. Фиръавилларни ички сиёсати ва ташки сиёсати. Боскинчилик юришлар. Ҳўжалик. Сугорилиш системалари. Дехкончилик. Маданий ўсимликлар. Бондорчилик ва узмичлик. Чорвачилик. Кончилик. Мис металлургияси. Мис буюмлар. Тошга ишлов бериш. Кудодчилик. курилиш. Маастабалар. Пирамидалар.

### **Миср ва Нубия салтанати**

Ўрта шоҳлик даври IX-X сулолалар. Гераклеополь кучайиши. Ахтой насаҳати. Ливияллар ва Осие кўчманичлари ҳужумлари. XI сулола. Ментухотеп. Миср бирлашиши. XII сулола. Аменемхет I. Сенусерт III. Аменемхет III. Ички ва ташки сиёсат. Ит-тауй. Ном залогонлари билан муносабатлар. Нубия. Синай ва Фалостин босиб олинниши. XIII сулола. Ҳалқ кўзғолонлари ва фукаро уруши. "Ипусер нутки" ва "Ноферти нутки". Гикесоллар истилоси ва Миср давлати парчаланиши. XIV сулола. Давлат бошқаруви. Номархлар. Зодагонлар. Дехконлар. Фиръавин одамлари. Ҳемуз нисут. Қуллар. Ибодатхоналар ва кохинлар. Ҳўжалик. Сугорилиш. Файюм. Савдо. Ҷибл. Утарит ва Крит. Пунт. Иккинчи ўткини боскич. Гикесоллар ҳукмронлиги. XV-XVI сулолалар. Аварис. Хиан. Анопи. Гикесолларни Мисрдаи сиёсати.

### **Янги подшоҳлик даврида Миср**

Янги подшоҳлик даври. XVII сулола. Фива. Камес XVIII сулола. Яхмос. Гикесоллар. Мисрдан хайдатиши. Ҳарбий ислоҳот. Ташки сиёсат ва боскинчилик юришлар. Тутмос I. Тутмос II. Хатшепсут. Сенмут. Тутмос III ва унинг юришлари. Мегидло. Нубия. Аменхотеп IV (Охнатон) сиёсий ва диний ислоҳотлари. Ахетатон. Тутанхамон. Хоремхеб. XIX сулола. Мемфис. Рамзес II. Нер-Рамзес. Боскинчилик юришлар. Хеттлар билан уруш. Қалеш. Хетт-Миср сулхи. Мернептах. "Денгиз ҳалслари" боскини. XX сулола. Фива. Сетнахт. Рамзес III. Ибодатхоналар ва кохинлар. Миср парчаланиши. Янги шоҳлик даврида ижтимоий муносабатлар. Фиръавиллар. Зодагонлар. Ҳизмат зодагонлар. Кохинлар. Дехконлар ва ҳунармандлар. Қуллар. Давлат бошқаруви. "Техмир манбаси". Вазирликлар. Вилоятлар маъмурияти. Маҳаллий бошқарув. Ҳарбий кучлар. Аменхотеп IV (Охнатон) даврида сиёсий кураш. Ҳўжалик. Сугорилиш ишлари. Шадуф. Янги меҳнат

куроллари. Янги маданий ўсимиликлар. Чорвачиллик. Янги уй хайвонларини турлари. Хунармандчиллик. Жез буюмлар. Курилиш. Учиничи ўткинчи боскич. XXI-XXII сулолалар. Шешонк I, Бубастис. Ҳарбийлар ва кохинилар. XXIII сулола. Танис. Күшлар кучайиши. Саис. Тифнаут. Кашта ва Пианха. XXIV сулола Бакенраф (Бокхорис). Ички вазият. Бокхорис конуни. XXV сулола. Шабака. Тахарка. Оссурияликларни истилоси. Номархлар. Танутамон. Саис XXVI сулола. Псаметих I ва унинг сиёсати. Нехо II. Априй. Амасис (Яхмос). Псаметих III. XXVII Эрон сулоласи. Миср Эрон давлати таркибида XXVIII-XXX сулолалар. Мисрнинг Искандар Зулкарнайн томонидан эталланиши.

Кеч шоҳлик даврида иктисолий муносабатлар. Металларга ишлов бериш. Мод-пул муносабатлар. Ташки савдо. Юнонистон билан савдо. Навкратис. Ер ижараси. Табакаланиши кучайиши. Курилиш. Қадимги Миср маданияти ва унинг хусусиятлари. Диний тътиқодлар. Номлар худолари. Умумий худолар. Осирис ва Исида. Фиръавилтар шахсини илоҳлаштириш. Эхнатоннинг диний ислохоти. Диний маросимлар. "Ўлтганларни китоби". Дағиң этиш маросими. Тил ва унинг ривожланиши. Ёзма манбалар. Қадимги Миср насиҳат адабиёт. Афсоналар. Эртаклар. Бадиий адабиёт. Фалсафа. Тақсирӣ санъат. Ҳайкалтарошлик ва меъморчилик. Убшти. Улкан ҳайкаллар. Пирамидалар. Ибодатхоналар – Абу Симбел. Карнак. Луксор. Дейр эл Бахри. Ер ости кабрлар. Саройлар. Фан. Астрономия. Математика. Тиббиёт. Содномалар. Энциклопедик лугатлар. Қадимги Миср цивилизацияси ютуклари ва уни жаҳон цивилизациясига кўшган хиссаси.

### **Месопотамиядаги шаҳар давлатлар**

Месопотамиянин табиий географик шарт-шароити. Иклими. Аҳолиси. Семитлар. Шумерлар. Кутийлар. Лулибейлар. Оромийлар Археология изланишилари. Ҳужалик ёзма манбалари. Ҳукук манбалари. Тарихий манбалар. Икки дарё оралиги тарихини даврлаштириш. Инсон томонидан Икки дарё худудларини ўлаштириш. Илк цивилизация вужудга келиши. Иктисолий ривожланиши. Стратификацияланган жамият вужудга келиши. Шаҳар-девлатлар. Девлат тузуми. Эн. Лугаль. Энси. Кишин юксалиши. Эн Менбаргеси. Урукий юксалишини. Месанишада. Лагаш. Эннатум. Энентарзи. Уруннимигина ислоҳотлари. Умма. Лугальзагеси.

Табакалар. Ҳужалик. Сугорилиш. Дехкончиллик. Хунармандчиллик. Мис ва жез буюмлар. Тўқимачиллик. Савдо. Маданият. Ёзув.

Аккад даври. Саргон (Шаррумкен). Икки дарё оралигида бирлашган Аккад давлатининг ташкил топиши. Шарру. Римуш. Маништушу. Нарам Сун. Аккад давлати заифлашуви. Кутийлар боскини. Лагаш. Гудеа. Утхенгаль. Урнинг III сулоласи. Ур-Намму. Шулга. Девлат тизими. Ижтимоий муносабатлар. Гашки сиёсат. Аморейлар. Эламликлар боскини. Уркулаши. Иссинин I сулоласи.

Қадимги Бобил шоҳлиги. Сиёсий парчаланиш. Ҳамураппи ва унинг фаолияти. Самсуилуна. Бобил давлати заифлашуви. Хетлар ҳужуми. Касситлар боскини. Бобил давлати кулаши.

### **Бобил подшодлии**

Сиёсий таркоолик. Мари, Ларса. Аишур, Бобил. Эшнунна, Ямхад. Ижтимоий-иктисодий муносабатлар. Авилем. Мушкенум. Вардум. Шаррум ва унинг хукуклари. Мамурият. Адия. Соликлар, ҳарбий кучлар. Ҳўжалик. Сугорилиш. Дехкончилик. Савдо. Ўрта Бобил подшолиги даври. Касеитлар. Гандаш. Катта Курнгальзду. Ҳалдейлар хужуми. Ўрта Бобил подшолигининг кулаши. Митанни давлати. Ҳурритлар. Вашибукани. Шоҳ Зодагонлар “Димту” ва “аллу”. Куллар, ҳарбийлар. Митанни парчаланиши. Яни и Бобил шоҳлиги. Орамей ва ҳалдей кабилалари. Мардук-ипли-иддин. Шамаш-шум-үкин. Набопаласар. Ҳалдей сулоласи. Оссурия карши кураш. Навуходоносор II. Бобил Эрон давлатини таркибига кириши. Ижтимоий тузум. Шоҳ Зодагонлар. Кохинлар. Озод шахслар. Куллар. Ҳўжалик. Дехкончилик. Хунармандчилик. Савдо. Молия муносабатлари.

### **Оссурия империяси**

Янги оссур подшолиги. Иктисодий юксалиши. Аишурнацирапат II. Салманасар III. Калху. Кадимги Оссурия шаҳар-давлатлари, ҳалкаро савдо. Каниш. Алум. Аишур. Шаҳар уи. Лимму. Ишишиаккум. Илувума. Шамши-Адал I. Ҳальну. Шарру. Арамейлар хужуми. Ассирия занфлашуви. Янги Оссурия шоҳлиги даври. Иктисодий юксалиши. Кальху. Сиёсий интироҳ. Тиглатпаласар III ислоҳотлари. Мамурият ҳарбий кучлар. Боскинчилик сиёсати. Саргон II. Синаххериб. Асаҳадон. Аишурбанапал. Шамаш-шум-үкин кўнголони. Қўшни давлатларни Оссурияга карши иттифоки. Ниневия. Ҳарран. Каркемиш. Оссурия давлатини кулаши.

Икки ларё оралгини маданияти. Шумер ва Аккал даврлари. Диний ўтиқоллар. Ёзув. Әлуба. Адабиёт. Афсоналар. Гильгамеш хакида афсона. Таасвирӣ санъат ва ҳайкаттарошлик. Фан. Математика. Тиббиёт. Мезмурният. Зиккуратлар.

### **Кадимги Кичик Осиё**

Табиий шароит, ахолиси ва тиллари. Манбалар ва тарихшунослиқ. Чатал Гуюк маданияти. Ҳаджилар. Энеолит даври маданияти. Жез даври. Дорак. Олоча-Гуюк. Шаҳар-давлатлар. Оссурия колониялари. Каниш. Кадими Хетт давлати вужудга келиши. Куссара. Нитхана. Неса. Анита. Ҳаттуса. Лабарна. Ҳаттусили I. Панкус. Тулия. Мурсили I. Телепин. Мамлакатни бирлаштириши жараёни давом этилиши. Давлат занфлашуви. Ижтимоий ва иктисолий хусусиятлари. Янги Хетт давлати. Суннидузиума. Олди Осиёла ҳукмронлик. Миттани давлатини эталаш. Мурсили II. Хетт-Миср қарама-каршилиги. Кадеш. Ҳаттусили III. Денгиз ҳақтарини хужуми. Хетт давлатини мағлубияти ва парчаланиши. Майда Хетт давлатлари. Габал ва Ҳатти. Ижтимоий муносабатлар. Габарна ва Табарнана. Зодагонлар. Панкус. Кохинлар. Оюд жамоатчилар. Куллар. Ҳўжалик. Чорвачилик. Дехкончилик. Кончилик. Хунармандчилик. Савдо. Хетт матанияти. Диний

этикодлар. Ёзув хайкалтароцлик. Меморчилек. Фригия. Дехкончилик. Чорвачилик. Гордион. Гордий. Мидас. Киммерияликларни хужуми. Фригия маданияти “худоларни буюк онаси” ва Аттис. Мидас кабри. Фригия ёзуви. Лидия. Сарда. Тангаларни зарб этилиши. Герактиллар сулоласи. Мермнандлар сулоласи. Гигес. Давлат кенгайиши. Киммерияликлар хужуми. Оссурия билан кураш. Ардис. Мидия билан уруш. Крезх. Лидия. Эрон давлати таркибиға кириши.

Кадимги Кавказ орти. Манбалар. Неолит маданиятлари. Куро-аракс ва кобан маданиятлари. Урарту мамлакати. Бирлашган Урарту давлати пайдо булиши. Мушашир. Араму. Сардури I. Тушпа. Диний ислохат. Менуа. Ислохатлар, курилыш. Аргишти I. Оссурия билан кураш. Еребуни. Аргиштихинили. Тейшабани. Руса I. Урарту мағлубияти. Ижтимойи-иктичодий муносабатлар. Давлат мәмүрияті. Озод жамоатчилар. Құллар.

Арме-Шуприя кадимги арман шохлиги. Ерваньидлар. Ерванд III Колхida. Эрон ва Юнонистон маданий ва иктиносидий таъсири. Фасис. Вани. Иберия. Алвония.

### Кадимги Эрон

Табиий шароит, жуғрофик вилюятлар, ахолиси. Эрон худудида яшөвчи қалклар ва кабилалар. Куттийлар, касситлар, хурритлар. Элам давлати. Аншан. Шутрук-наххунте I. Элам жамияти. Ижтимойи-иктиносидий муносабатлар. Элам маданияти ва уннинг хусусиятлари. Эрон забонлы кабилалари кириб келиши. Орий муаммоси. Форс. Манна ва Мидия давлатлари вужудың келиши. Каштарити. Киммерияликлар ва скифлар зрон худудларыга бостириб келиши. Киакесар ислохатлари. Мидия юксалиши. Экбатана. Астиаг. Фореда ахмонийлар сулоласи. Куруш II.

Зардунштылк дини. Овесто ва асөсий конунглар. Мидия Эрон давлати таркибиға кириши. Эрон давлати Куруш II даврида. Марказий Осиё жанубий вилюятларни Эрон давлати таркибиға кириши. Куруш II Марказий Осиёга иккинчи юриши. Камбужи II Миерни әгаллаши. Бардия. Гаумата. Дариявуш I күнгөлонларни бостириши. Марказий Осиға юриши. Дариявуш I ислохатлари. Кееркес. Юон-Эрон урушлари. Артаксеркс III даврида Эрон. Эрон давлатини Марказий Осиё қалқтарыга сиёсий, ижтимойи-иктиносидий ва маданий таъсири. Дариявуш III. Эрон давлатини заифлашуви. Искандар Зулкарнайнинн Шаркий юриши. Эрон давлатини кулаши. Эрон давлати худудларыда ижтимойи-иктиносидий муносабатлари ва илөр шаклдарини таркалиши. Дехкончилик хунармандылек. Савдо. Молия ва пулларни зарб этилиши. Эрон маданияти. Эрон шохларини диний сиёсати. Давлат ёзуви. Бехистун ва Накши-Рустам. Ёзма манбалар. Ўима расмлар ва хайкалтароцлик. Меморчилек. Персеполь. Эрон империясини жағон тарихидағы урны.

### Кадимги Хинд шахарлари

Худуллар табиий шароит ва икlim. Манбалар ва манбашунослик халклар ва тиллар. Хиндистон худудидаги иль деҳкончилик маданияти. Меҳргарҳ. Хинд дарё воҳасини кадимги деҳкончилик маданияти (Мохенже-Даро ва Хараппа). Ижтимоий тузум ва иктиносий муносабатлар. Жхукара маданияти. Орий кабилаларини Хиндистонга бостириб келиши. Орий муаммоси. Жамиятда янги ижтимоий ва иктиносий тузум вужудга келиши. Варварлар. Брахманизм.

### **Хинд-европаликлар Ҳиндистонга**

Орий кабилаларининг Хиндистонга кириб келиши. Орийлар муаммоси. Янги ижтимоий-иктиносий жамиятни юзага келиши. Ведалар даври. Ригведа. Варна.Брахманилар. Кшатрийлар.Вайшилар. Шудралар. Илк давлат бирлашмалари вужудга келиши. Малла. Чодла. Магадха кучайиши. Наталипутра. Нандалар давлати. Давлат тузуми. Иктиносий муносабатлар.

### **Индүизм ва буддизмнинг ривожланиши**

Кадимги Хиндистон маданияти. Диний ўтиқодлар. Ритведа ва санхитлар. Кўп худолик. Индра. Варуна. Агни. Суръя. Сомма. Яма. Жаҳон яратилиши түргисилаги афсона. Брахма. Вишну. Шива. Кришна. Вишнаизм ва Шиваизм. Пуранлар. Кришна ва Кали. Бхагавадгита Буддизмнинг вужула келиши. Нирвана. Санхха. Махаяна ва Хинаяна. Буддисатва. Санскрит. Хиндистон фалсафаси. Локаята. Вашешика. Сахян Шанкара. Аладиёт "Махабхарата", "Рамаяна", Калиласа. Тяпф, "Панчантантра" Аливакхуша. Бхамани. "Курал". Меморчилик Карын. Элдор. Санчи. Хайкалтарошлиқ Гандхара. Мадхур. Амараватта. Аджанта левор расмлар. Математика. Аръябхата. Астрономия. Габобат. Маданий алоқалар. "Яван Жатака".

### **Ҳиндистондаги биринчи империя**

Александр Македонскийнинг Хиндистонга бостириб кириши. Подино Пор. Нандалар сулоласи кулаши. Маурьялар давлати вужудга келиши. Чандрагупта. Чанакья. Мамлакатни бирлаштириш. Диний сиёsat. Биндулара. Ашока. Гашки сиёsat. Лужалик. Деҳкончилик. Чорвачилик. Хунарманчилик. Савдо. Маурьялар давлатини инкірози ва парчаланиши. Хинд-юнон давлатлари. Юнон-Бактрия давлати. Хиндистоннинг этнинистик маданияти. Хиндистон күшаншлар давлати таркибида. Канишка. Гундар давлати шакланиши. Эфталитлар ҳужуми. Гундар давлати кулаши. Жанубий Хиндистон давлатлари. Ривожланган ва кеч кадимги даврларда Хиндистонда ижтимоий-иктиносий муносабатлар. Давлат тузуми. Жамиятда стратификация жараёни ривожланиши. Варналар ва табакалар. Лужалик. Хиндистоннинг күшини мамлакатлар билан алоқалар. Хиндистон ва Буюк Инак йули. Кадимги Хиндистон ва Марказий Осиё.

## **Хитойдаги дарё сулоласи**

Худуллар табиий шароит, икlim. Манбалар ва манбашунослик. Тарихий даврлантириш. Илк дехкончилии маданиятлари. Янишао. Луньшао. Шань кабиласи. Шань-Инь давлати. Аньян. Шань-Инь даврида иктисол. жамият ва давлат. Аньян ёзув манбалари. Чжоу кабиласи. У-ван юришлари ва Шань-Инь давлати кулаши. Гарбий Чжоу давлати. Сиёсий вазият. Ижтимоний тузум. Иктисолий муносабатлар. Шаркий Чжоуни вужудга келиши. Ишлаб чикариш кучларни ривожланиши. Пуллар. Савдогарлар. Шаркий Чжоу парчаланиши. Кадимги Хитой шохлари орасидаги кураш. Ле-Го ва Жан-Го даврлари. Жамият тузуми. Ижтимоний муносабатлар. Дехкончилик. Хунармандчилик. Савдо. Солислар.

## **Хитойнинг бирлаштирилиши**

Цинь давлати кучайиши. Шан Ян ислохотлари. Кўчманичилар билан кураш. Инь Чжэн. Цинь Шихуанди. Хитой бирлашган давлати вужудга келиши. Ислохотлар. Ер эгалиги. Харбий кучлар. Давлат маъмурияти. Солислар. Конунлар. Сугарилиш. Йўллар. Давлат стандартлар. Буюк хитой девори. Молия. Ёзув. Кўзголонлар. Цинь сулоласи таҳтдан ҳайлалиши. Таҳт учун кураш. Лю Бан кўнодони.

## **Хитойдаги Xан империяси**

Ханъ давлати вужудга келиши. Сиёсий тузум. Хўжалик тикилаш. Суторилиш. Конунлар. Солислар. Зодигонлар. Ван ва хоу. Кўзголонлар. Давлат зодигонлари. Давлат монополиялари. У-Ди янги конунлар. Ханъ давлати юксалиши. Ўлкалар ва вилоятлар. Назорат. Харбий кучлар. Иктисол. Давлат дини. Ташки сиёsat. Хитойликларни Фаргона давлатини яллаш учун юришлари. Кўчманичиларга карши кураш. Хунну. Мод. Савдо. Кадимги Хитой ва Марказий Осиё савдо муносабатлари. Буюк Ипак йўлига асос солиниши. Ханъ жамиятининг инкирози. Ҳалқ кўзголонлари. Ван Ман ислохотлари. "Кизил кошликлар" кўзголони. Сўнгги Ханъ сўнгги сулоласи даври. Ижтимоний-иктисолий ислохотлар. Кўчманичилар билан кураш. Дехкончилик. Хунармандчилик. Савдо. Марказий Осиё билан сиёсий ва иктисолий алоқалар. Буюк Ипак йўли ривожланиши. Сўнгги Ханъ давлатини заифлашуви. Ижтимоний-иктисолий инкиroz. Кўчманичиларни ҳужуми. "Сарик пешанабандлар" кўзголони. Сўнгги Ханъ давлати парчаланиши. Ўзаро уруплар. Уч шохлик даври.

Хитой маданияти. Диний ўтиводлар. Осмонга сизиниш. Дао таълимоти. Кун Цзи таълимоти. Мэн Цзи. Будда таълимоти. Хитойга таркалини. Давлат динлари. Ёзув ва ёма манбалари. Алайнёт. Фан. Тарих-

Математика, Тиббиёт, Санъат, Кадимги Хитой цивилизацияси, Жаҳон халқлари цивилизациясига кўшган хиссаси ва унинг аҳамияти.

## **КАДИМГИ ЮОНОНИСТОН ВА РИМ ТАРИХИ**

### **Кадимги Юонистон тарихи**

Антик давр тарихий тушунчаси. Антик давр ва кадимги Шарқ давлатларининг тарихи. Антик куллик, кадимги Юонистоннинг жаҳон тарихидаги ўрни. Кадимги Юонистоннинг тарихий давларни. Юонистоннинг географик ўрни, табиий шароитлари. Габий шароитларни Юонистоннинг хўжалигига ва тарихий ривожланишига таъсири, кадимги Юонистон тарихидан асосий манбалар ва Юонистон тарихнавислиги. Денгиз ва тог маданиятлари тушунчаси.

### **Милоддан аввалии II минг йилликда Юонистон. Крит-Микен жамияти ривожланиши хусусияти**

Крит-Микен жамияти ривожланиши хусусияти. Крит оролида жамиятнинг вужудга келиши, унинг ривожланиши, равнаки. Крит давлатининг инкирозга учраши. Милоддан аввалии II минг йилликда Ахей Юонистони, Микен, Тринф ва Пилос давлатлари. Ижтимоий-иктисодий муносабатлар. Дорий кабилаларининг кўчиши. Урут-жамоа муносабатларининг кайта тикланиши. Милоддан аввалии XI-IX асрларда Юонистон.

### **Милоддан аввалии IX аср охри-VI асрларда Аттика, Афинада кулдорлик демократиясинин пайдо бўлиши**

Юон полислари пайдо бўлишининг сабаблари. Курашайтган шахар-давлатлар. Демос ва аслолалар ўтасидаги кураш. Шахар давлатлари-полисларининг барпо бўлиши. Буюк юон колониялари. Милоддан аввалии VIII-VI асрда кадимги Непопонес Спарта давлатларининг ижтимоий-иктисодий тууми. Спарта давлати.

Аттика ахолисинин вужудга келиши. Аттиканни хўжалиги, дехончилиги, хунармандчилиги, савдо-сотик муносабатлари. Илк давлатни вужудга келиши. Солон ислоҳотлари ва уларнин аҳамияти. Ниситрат хокимияти. Клисфен ислоҳотлари. Афинада кулдорлик демократиясинин ўрнатилиши.

### **Юон-форс урушлари**

Милоддан аввалии VI-V асрларда Юонистон. Юон форс уруши бошланниши сабаблари ва оқибатлари. Марафон, Саламин, Платея яқинлаги жанглар. Милоддан аввалии V-IV асрларда Юонистоннинг иккисодий ривожстаниши. Юонистон иккисодий ривожстанишида иккита асосий

йўналиш-афиналик ва спарталик. Уларнинг хусусиятлари. Афинани иктисолий-ижтимоий ривожланиши.

### **Милавв. V-IV асрларда Юнонистон. Полис тизимиининг инкирози**

Афина давлат тузуми. Перикл даврила Афина кулдорлик демократиясининг равнаки. I-Афина дengiz иттифоки. Демократия ва Юнонистоннинг олтин аси. Спартанинг сиёсий тузуми. Милоддан аввали V асрда Пелопоннес иттифоки. Милоддан аввали 430 йил Афина арх ва Пелопоннес иттифоки ўргасидаги муносабат. Пелопонес уруши. унинг сабаблари, натижалари. Милоддан аввали IV асрнинг биринчи ярмida Юнонистон. Пелопоннес урушининг оқибатлари. Спартанинг устиворлани Юнонистонда Ахмонийлар давлатининг таъсирини кучайиши. Фиванинг юксалиши. II-Афина дengиз иттифокининг ташкиз топишни. Спарта. Афина. Фива ўргасидаги ракобат. Милоддан аввали IV асрнинг ўрталарида Юнонистонда сиёсий таркосялик. Полис тизимиини инкирози. Инкирозни енгиш дастурлари. (Платон. Исократ. Аристотель). Буюк Юнонистон ва Кора дengиз соҳилларидаги юонон шахарлари ва давлатлари.

### **Эллинистик боскич ва унинг хусусиятлари**

Македониянинг юксалиши. Юнонистонда Македония хукмронлигининг ўрнатилиши. Милоддан аввали VIII-II асрларда калимги Юнонистон маданияти. Юнонистон маданияти ривожланишини асосий шарт-шароитлари. Архитектура. хайкалтарошлик. Юон адабиёти ва театр. Жанрлар. Милоддан аввали VII-VI асрларда юон шеръири. Милоддан аввали V асрда Юон трагедияси. Эсхил. Софокл. Эврипид. Аристофан ижоди. Театр ва унинг жамиятлари ўрни. Юон театр. Юон фалсафаси. Юон маданиятини ахамияти ва унинг жаҳон маданиятида туттган ўрни. Александр Македонский империяси ва Эллинизмни Шаркка ёйлиши. Шаркка юришининг бошланниши. Асосий жанглар. Босиб олинган ерларда сиёсат. Марказий Осиёга харбий юриш. Александр Македонскийга карши миллий озодлик курами. Хиндистонга харбий юриш. Александр Македонский салтанатининг ташкиз топишни. Салтанатни парчаланиши. Эллинистик давлатлар. Салавкийлар. Марказий Осиё Салавкийлар давлати сафида Миср. Юон-Бактрия. Македония ва Юнонистон. Эллинистик давлатларнинг хиллари. Эллинистик моҳияти. Юон ва Шарк элементлари. Эллинистик ижтимоий-иктисолий ва сиёсий тизимиининг хусусиятлари. Эллинистик давратланиши. Салавкийлар давлати ва эллинистик Миср. Пергам подшоддиги. Эллинистик давлатларни иктисолий. ижтимоий ва сиёсий ривожланиши ва ўзига хос хусусиятлари. Македония ва Болкон Юнонистон эллинистик даврда. Рим истилоси. Эллинистик давлатларни кулашини сабаблари. Эллинистик маданият. Эллинистик маданиятини ахамияти.

### **Калимги Рим тарихига кириш**

Қадимги Рим тарихига кириш. Жаҳон тарихидә Римнинг тутган ўрни ва ахамияти. Рим жамияти - кулдорлик тизимиning юкори боскичи. Хронология, қадимги Рим тарихининг даврланиши. Италияning географик ўрни ва табий шароитлари. Ахолиси. Этник хилма-хилдиги. Асосий қабилалар: лигурлар ва бошقا махаллий қабилалар, италиклар, иллирийлик этник түрухлар, этрусклар, юнонлар. Қадимги Рим тарихини ўрганиш.

### **Илк Рим Республикаси**

Милоддан аввали VIII-VII асрларда Италияда ilk кулдорлик жамияти. Милоддан аввали VIII асрда Этрурия. Этрусклар ва Рим. Италия жанубида ва Сицилия оролида юонон полислари. Рим. Рим тарихидан манбалар. Римнинг географик ўрни ва табий шароити. Рим фукаролик жамияти. Патрицийлар ва плебейлар, клиентлар ва патронлар. Патриархал күччилик ва унинг манбалари. Давлат тузилиши. Сервий Туллий ислохати. Подшо хокимиятининг емирилиши ва Рим Республикасинин ўрнатилиши. Милоддан аввали VI-III асрларда Рим ва Италия. Плебей ва патрицийлар ўртасидаги кураш сабблари. асосий боскичлари ва натижалари. Милоддан аввали IV-III асрларда Римда давлат тузилиши. Рим томонидан Италияning истило этилиши. Рим-Италия иттифоки. Унинг таркиби. Рим маданияти.

### **Сүнгти республика тарихи (Милоддан аввали III-I асрлар)**

Рим ва Карфагенниң Ўрта Ер дегизи хавзасидаги ҳукмронлик килиш максалида олиб борган кураши. Карфаген давлати. Карфаген - Рим муносабатлари. Пуни урушлари. Уларнинг натижалари. Милоддан аввали II асрдаги Римнинг Шаркий Ўрта Ер дегизидаги истилолари. Македониянин истило этилиши. Македония ва Юнонистоннинг правинцияларга айланishi. Салавийлар подшолигининг кулаши. Учинчи Пуни уруши. Карфагеннин тор-мор этилиши. Милоддан аввали II-I асрларда Римнинг иктисодий ва ижтимоий ривожланиши. Римда кулдорликкін ўсиши. Рим истилоларинин ижтимоий-иктисодий ривожланиши жараённанға таъсири Римни иктисодий, ижтимоий ривожланишини ўзига хос хусусиятлари. Классик күччиликни ахамияти. Милоддан аввали II асрда Римдай ички сиёсат. Куллар күйөлони. Сицилияда I куллар күйөлони. Ака-ука I ракхларни агарар сиёсий ислохатлари. Ютурта уруши. Гай Марийнин харбий-сиёсий ислохатлари, унини фаолияти. Милоддан аввали II-I асрлар бўсагасизда. Римдаги ижтимоий-сиёсий кураш. Италиядаги иттифокчилар уруши.

### **Рим республикаси инкирози ва Илк империя**

Милоддан аввали I асрнинг 80-йилларига Рим республикасида сиёсий кураш. Понти подшолиги билан биринчи уруш. Милоддан аввали I асрнинг

80-йиллари охирида Римда фукаролар уруши. Луций Корнелий Сулланинг диктатураси. Испанияда Септорийнинг фаолияти. Понт подшолиги билан учинчи уруш (Милоддан аввалги-74-63 й.). Спартак бошлилигидаги кўзғолон. Милоддан аввали 70-йиллар охири 60-йиллар бошида сиёсий турохларнинг кураши. Милоддан аввали 60 йилларда Римда сиёсий кураш. I-учлар иттифоки (I-триумвират). Цезарининг консулигиги. Галияда урушлар. Юлий Цезарнинг сиёсий мавкеининг мустахкамланиши.. Милоддан аввали I асрнинг 40 – йилларда фукаролар уруши ва Юлий Цезарь диктатураси. Юлий Цезарь конунчилити. Ижтимоий сиёсат. Юлий Цезарь диктатурасининг ахамияти. Милоддан аввали I асрнинг 40-йиллар охири ва 30-йиллардаги фукаролар уруши. II- учлар иттифоки (II – триумвират). Фукаролар урушининг ижтимоий-сиёсий оқибатлари. Полис тизими инкирози ва Рим республикаси кулачининг асосий сабаблари. Милоддан аввали III-асрларда Рим маданияти.

Илк Рим империяси. Октавиан Август хукмронлиги. Принципат. Монархия ўрнатилишинин долзарблиги. Октавианинни сиёсий дастури ва мансалии. конунчиллик. Принципат асослари. Августнинг ижтимоий сиёсати. кулдорчиликнинг кучайиши. Октавиан Августнинг ташки сиёсати. унинг хукмронлигининг натижалари ва ахамияти.

Милодий I-II асрларда Рим империясида ижтимоий - иктисолий муносабатлар. Рим империясинин иктисолий равнаки. Ўрта Ер денизи хавzasида иктисолий бирлик. Милодий I-II асрларда Рим хокимияти. кулдорликнинг кучайиши. Майда ишлаб чиқариш кучлари. Колонат муносабатларининг ривожланиши ва унинг эволюцияси. Шахар аҳолиси. Озодликка чиқарилган күллар. Рим империясинин административ тузилиши. Италия. гарбий ва Шаркий провинциялар. Уларнинг ўзига хос иктисолий хусусиятлари. Милоддан аввали I асрда Рим империяси. Юлий-Клавдий ва Флавийлар су лоласи. Антонинлар сулодаси. Рим империясинин "олтин даври". Ижтимоий муносабатлар ва маданий хаётнинг бутун Ўрта Ер денизи хавzasида бирлиги. II аср антик цивилизациясининг равнаки. Антонинларнинг аграр. иктисолий-ижтимоий. сиёсати. кулчиликка муносабат. "Рим дунёси" - бу тушунчанинг ижтимоий-сиёсий мазмуни. Христианлик динининг вужудга келиши. Сўнгти Антонинлар даврида ички ва ташки ахволни ўзариши. II асрда Рим давлати ривожланишининг асосий ижтимоий-иктисолий. сиёсий ва маданий натижалари. Милодий I-III асрларда Рим маданият. III аср инкирози. Рим давлатининг инкирози. Ижтимоий. сиёсий ва иктисолий инкирознинг сабаблари. Христиан динининг келиб чиқиши ва унинг ишларни. Милоддан аввали I асрда диний ёътиқол Христиан динини вужудга келишинин шарт-шароитлари. Христианликнинг Рим империясига ёбылиши. Христиан жамоалари ижтимоий таркибининг ўзариши. Христианлик дининин эволюцияси ва унинг император хокимияти билан муносабати.

## Сунгти Рим империяси

Милодий IV-V асрларда Рим жамияти ва давлати. Доминат тизими. Инкирозни енгиш. Диоклетиан ва Максимианинни ижтимоий-сиёсий ислоҳатлари. Давлат бошкарувининг ўзгариши. тетрархия. доминат тизимининг ўрнатилиши. Император хокимияти. Солик ислоҳатлари. Император Константин. Ислоҳатлар. Константиннинг диний сиёсати. Христиан дини - Римнинг хукмрон динига айланиши ва унинг оқибатлари. Хўжаликнинг ривожланиши. Патрошиний. Рим провиницияларида варварларнинг жойлашуви. Ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви. Оммавий харакатлар. Мажусийларнинг харакати. Халқларнинг Буюк кўчишининг бошланиши. Рим армиясида варварлар микдорининг ўсиши. Рим ва Ғарб цивилизацияси илдишлари. Антик маланиятнинг инкирози. Христианлик дунё карашининг пайдо бўлиши. Тарихнавислик. Аммиан Марцеллин. Хроникалар. Архитектура ва курилиш. Санъат. Махсус билимлар. Ғарб цивилизацияси хакидаги илк карашлар. Фан ва технология.

### **Гарбий Рим империясинин кулаши**

Рим империясининг гарбий ва Шаркий империялари бўлдиниши, унинг сабаблари. гарбий Рим империяси. Унинг заифлиги. Рейндаги герман кабилалари. Уларнинг Италияга бостириб кириши. гарбий Рим империяси ерларидаги варвар кабилаларнинг жойлашиши. Яни ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тартибининг белгилари. Хуннлар. Каталаун жанги. Рим марказий хокимиятининг инкирози. гарбий Рим империясининг кулаши. Антик куллорлик жамияти кулашининг иктиносий-ижтимоий. сиёсий сабаблари ва оқибатлари. Куллорлик жамиятининг тарихий ахамияти. кадимги дунё цивилизациялари замонавий цивилизациянинг пойдевори.

### **ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ**

**Ўрта асрларга кириш. Гарбий Европа ва шарқла феодал**

**муносабатларнин юзага келиши.**

**Ўрта асрлар тарихи манбалари**

Ўрта асрлар тарихи манбаларини туркумлаш. Ўрта асрлар тарихи манбаларини умумий тавсифи ва уларни ўрганиш услуби. V-XI асрлар тарихи манбалари. Натурализм хўжалик ер рентаси шакллари. Крепостнойликни кенгайиши шарт-шароитлари. Патронат. Иммунитет. Герман кабилалари. Феодализм синтези. Ўрта асрлар тарихи манбаларини ўрганиш муаммолари.

Куллорлик тузумининг инкирози ва Рим империясида феодал муносабатларнин вужудга келиши. Эмфитевесис. Патронат ва коммандация. III-X асрларда иктиносий инкироз. Рим империясинин ижтимоий ва давлат туруми. Ғоявий инкироз. Империянинг христианлашиши. Халқ оммасининг ижтимоий норониёлиги ва унин турлари. Герман кабилаларида иотидойи жамоа туруминин инкирози. Ижтимоий-иктиносий турилиши. Ижтимоий-

сиёсий ташкилот. IV-V асрларда сиёсий тузумнинг ўзгариши. Рим империясининг кулаши ва варвар давлатларининг ташкил топиши. Халкларниң буюк күчишининг сабаблари. Вестготлар. Вандаллар. Хунилар.

### **Франк давлатида феодализмнинг юзага келиши**

Галлияниң франклар томонидан босиб олиниши. Меровинглар давлати. "Соли хакикати". Меровинглар лаврида франк жамиятида ижтимоий табакаланиш. Франк давлати. Хлодвиглар даврида давлатнинг бўлинио кетиши. Каролинглар хукмронлиги. Феодаллашиш жараёнини тезлашиши. Папа давлатинин ташкиси топиши. Буюк Карл империяси. Каролинглар давлатида феодал муносабатлар асосининг шаклланиши. Феодал вотчинаси карам деҳконлар ахволи. Каролинглар давлатининг ўзгариши ва унинг парчаланиб кетиши.

### **IV-XI асрларда Византияда феодал муносабатларининг вужудга келиши ва шаклланиши**

IV-XI аср биринчи ярмида Византия. Византия империясининг ташкил топиши. Кишлук хўжалиги. Шаҳарлар хунармандчилик ва савдо. Христиан дини. Император Юстиниан даври. "Ника" харакати. Юстиниан ташки сиёсати ва урушлар. Славянлар боскини. VII-VIII асрларда Византияда ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ўтиришлар. VIII-IX аср биринчи ярмида ҳалқ харакати. IX-XI аср ўрталарида Византия. Македония сулодаси императорларининг аграр конунлари. Византияда феодал шаҳар. "Эпарх китоби". Давлат аппарати. IX-XI асрларда черков. IX аср иккичи ярми XI аср ўрталарида Византия ташки сиёсати. X-XI асрларда сиёсий кураш.

### **Илк ўрта асрларда Эрон**

Эрон тарихини даврлаштириш. Илк ўрта асрларда Эрон. Сосонийлар давлатини юзага келиши. Зардунтыйлик. III-V асрларда Эронда диний харакатлар. Ҳусрав I ислоҳотлари. VII асрда Эроннинг ташки сиёсати. Араблар боскини. Исломнинг таркалиши. Эрон Араб халифалиги таркибида.

### **Араб мусулмон давлатларининг юксалиши**

Ўрта аср араб тарихшунослиги. Арабистон ярим ороли аҳолиси ва маланияти. Кабилавий уруҷчилик тизими. Макка. Мадина шаҳарлари. Давлатнини юзага келиши шарт-шароитлари.

Мұхаммад. Янги дин учун кураш. Қуръон диний ёдгорлик сифатида. Мусулмонлар ақидаси ва урф-одатлари. Оила. Никоҳ ва аёлларининг қуръондаги таърифланиши. Ислом ва инжыл. Исломнинг таркалиши. Илк

халифалар даврида боскичиллик юришлари. Византия ва Эронга юриш. Араблар галабасининг сабаблари.

Уммавийларнинг хокимииятта келиши. Суннийлик ва шиалик. Уммавийлар халифалигини юксалиши. Арабларга карши миллий озодлик харакатлари. Муканна. Бобек. Зинжий. Кўзголон сабаблари. Аббосийлар хокимиияти ва унин парчаланиши сабаблари.

### **IX-XV асрларда Африка жамияти ва империялари**

Африка мамлакатлариниң тарихий ривожланишида умумий ва ўзига хос хусусиятлар. Манбатар ва тарихшунослиги. Мингакалараро муносабатлар. Сиёсий тузум. Ўтрок ва кўчманчи жамоалар орасидаги муносабатлар. Феодал ер мулкчилигининг ва ерга эталик килишининг шакллари. Шахарлар ва уларнинг жамият хаётидаги ўрни, асосий синфларнинг шаклланиши. Сиёсий тузумнинг хусусияти. Дин. Аксум. Сонгай. Мали давлатлари. Арабларниң Шимолий-гарбий Африкага юриши. Нубиядаги христианлар лавлати. Африка халкларининг илк ўрта асрларда жаҳон маданийтига кўнглан хиссаси.

### **Илк ўрта асрларда Хитой**

Хитойда феодал муносабатларнинг вужудга келиши ва ривожланишинин жаҳон тарихига хослиги. Ханъ империясидан кейин Уч подшолик даврида ўзаро уруслар. IV-V асрларда кўчманчиларниң боскинлари. Шимол ва Жанубда давлат уюшмаларининг вужудга келиши. Ер муносабатларининг шакллари. Давлат ва маъмурият. Ижтимоий тузум. Будда. Конфуций ва даосизм линий ўтиқодлари. VI-VII асрларда Хитойиниң бирлашиши ва иктисолий юксалиши. Суй ва Тан сулолатари. Феод системасининг ривожланиши. Шахарлар, хунармандчilik ва савдо. Буюк Инак йўли. Хитой ва Марказий Осиё. Илк ўрта асрларда Хитой маданийти.

### **Илк ўрта асрларда Хиндиистон**

Хиндиистонниң ижтимоий-иктисодий хаёти. Аттар муносабатлар. Каста-жамоа тизими. Гунта давлатининг парчаланиши ва Харша давлатининг вужудга келиши. Шахарлар. Буддизмнинг кулаши ва индуизм подшолигининг VIII аср бошларида Хиндиистонда сиёсий вазият. Ражнугт подшолигинин вужудга келишиши. Ражнуглар истилосининг бошланиши. Ражнугта подшолигига вассал-иерархия тизими. Феодал ер эталиги турлари. X аср ўртасида XII асрларда Ражнугта подшолиги. VIII-XII асрларда Жанубий хинд давлати ва Декан. Жанубий Хинд ва Деканда феодал муносабатларининг ривожланиши.

### **IX-XI асрларда Германия**

Русда феодал таркоқлик. Феодал муносабатлар. Халк күзғолонлари. Сиёсий түзүм. Ташки душманлар билан кураш. Феодал таркоқлик даврида Рус ерлари. Иктисодий ривожланиши.

XII-XIII асрларда Болтик бүйі. Руснинг немис-швед феодалларига карши кураши. Рим папаси. Руснинг немис босқинларига карши кураши. Мұғул-татар босқинларига карши кураш. Олтін Үрда хонлиги. Рус ерларининг ижтимой-иктисодий ва сиёсий ривожланиши.

Ривожланган феодализм даврида Осиё ва Африка мамлакатлари. Умумий тавсиф. Хитой. Яқин Шарқ ва Шимолий Африка. Япония ва Ҳиндистон ривожланган феодализм хусусиятларининг вужудың келиши. даврлаштириш. Ҳунармандчилдикнинг кишлек хұжалигидан ажралиши. Шахарлар.

### **XI-XV асрларда Эрон**

Аббосийлар даврида Эрон. Салжукийлар босқинни ва Эронни зат этилиши. Исмоилийлар давлати. Аламут. Мұғуллар босқинни даврида Эрон. Ҳулақхон юришлари. Эронни зат этилиши. Илхонлар давлати. Коюнхон ислохоти. А.Темур даврида Эрон. Оқкуюнты туркманлар давлати. Сафавийлар давлатини юзага келиш шарт-шароити.

### **XI-XV асрларда Хитой**

Феодал урушлар. Ян-ян ислохотлари. Тан давлатида карама-каршилікспарнинг кескинлашиши. Дехконлар уруши. Сүн давлатинин ташкыл топиши. Давлат түзүми. Ички ва ташки сиёсат. Феодал муносабатлар. Халк күзғолонлари. Сиёсий кураш. Чжуриженлар босқини. Мұғуллар босқини. Халк күзғолонлари. Мин давлатинин ташкыл топиши. Маданият ва фан. Хитой ва Марказий Осиё.

### **XIII-XV асрларда Ҳиндистон**

Дехли султонларинин ташкыл топиши. Феодал муносабатлар. XIII асрда Дехли давлати. Ала үл-Дин Хилжи Мухаммад Гүелак империясы. XIV аср иккінчи ярм�다 Дехли султонлиги ва уннан кулаши. Дехли султонларинин қайта тұстасиши. Баҳмани давлати. Вижаянагар давлати.

### **XI-XV асрларда Англия**

XI-XII асрларда Англия. Норман истилеси. Феодалларинин жарабайинин тұтаси. "Даҳшатлы суд китоби". Аграр түзүм ва дехконларинин ахводы. Шахарлар. Мамлакатнинг ривожланиши. Ижтимой тараккиёт. Исландия истилеси. Ягона инглиз халқининг шакталаниси.

XIII асрда Англия. Иктисодий ривожланиши. Дехконларнинг табакаланиши. Ижтимоий зиддиятнинг кескинлашиши. Феодаллар гурхуи. Иктисодий ривожланиши хусусиятлари ва асосий йўналишлари. Шахарлар. Сиёсий кураш. Эркинликларнинг Буюк хартияси. Фукаролар уруши. Англия парламентининг вужудга келиши. Англия ташки сиёсати. XIV-XV асрларда Англия. Кишлек хўжалигининг ривожланиши. Шахар ва кишлекларда ижтимоий зиддиятнинг кескинлашиши. Уот Тайлер кўзғолони. XV асрда Англияниң ижтимоий-иктисодий ривожланиши. Джек Кэд кўзғолони. Инглиз миллатининг шаклланиши.

### **XI-XV асрларда Франция**

XI-XIII асрларда Франция Аграр тузумдаги ўзаришлар. Шахарлар XI-XII асрларда сиёсий таркоғлик. Марказлашиб жараёни. Кирол хокимиятининг кучайиши. Алобигой уруши. Давлат бошқариши.

XIV-XV асрларда Франция. XIV асрда феодаллар ва дехконлар. Шахар ижтимоий ҳаёти. Марказлашиб жараёни ютуклари. Кирол хокимиятининг кучайиши. Хукмрон табакаларнинг жипсласиши. сиёсий фаолиятининг кучайиши. Папа билан кураш ва Баш штатларнинг вужудга келиши. Юз йиллик уруш. Париж кўзғолони. Жакерия XIV аср иккинчи ярмида ҳалк харакати.

Феодал урушлар. Кабошьенлар кўзғолони. Юз йиллик урушининг иккинчи даври. Жанна д'Арк ҳалк қаҳрамони. Солик ва ҳарбий ислоҳот. Кишлек хўжалиги. ҳунармандлилик ва савдо. XV аср иккинчи ярмида Франциянинг сиёсий бирлашиши. Франция ва Темур давлати дипломатик алоқалари.

### **XVI-XVII асрларда Эрон**

Сафавийлар давлатининг ички ва ташки сиёсати. Эронда ҳалк харакатлари. Сафавийлар даврида феодал ер тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Шоҳ Аббос I нинис ислоҳотлари. Шахарлар ва савдо сотик. Европаликларнинг Эронга кириб келиши. XVI-XVII асрларда ҳалк харакатлари.

### **XVI-XVII асрларда Хитой**

Минь сулоласининг ички ва ташки сиёсати. Имжин урушлари. Хитой-Корея муносабатлари. Феодал ер тизимидаи ўзаришлар. Хитойда дехконлар урушинин юзага келиши шарт-шаронглари. Минь салтанатининг маданиятий сиёсатидаги ўзига хослик. Чжань Ху ленгиз экспедицияси. Дехконлар уруши. Манчжурулар истилоси.

### **XVI-XVII асрларда Усмонийлар империяси**

Султон Салим I-нинг хокимиятта келиши. Сурия, Миср ва Арабистонни босиб олиниши. Ливия, Жазоир ва Тунисни зауб этилиши. Хайдариддин Барбаросса. Султон Салим I ислохотлари. Султон Сулаймон I даврида Усмонийлар империясининг юкасилиши. Салим II даврида Яничарлар корпусилаги ўзаришлар. Тумор. Зиямет мулкчилик тизими. "Дев шерме". "Акинжи". "Килич одами". Усмонийлар даврида меморчилик тизимидағы ўзаришлар.

### XVI-XVII аср биринчи ярмида Англия

Саноат ва савдонинг ривожланиши. Кишлек хўжалиги. Дехконларнинг ер учун кураши. Англия абсолютизмининг хусусиятлари. Англиядаги реформация. Тюдорлар сулоласининг ички сиёсати. Англия-Шотландия муносабатлари. Испания билан курашининг қескинлашыши. Англиядаги ижтимоий қарама-каршиликларнинг кучайиши. Маданият.

### XVI-XVII аср биринчи ярмида Франция

Франциянинг иктисадий ривожланиши. Аграр тузуми. Саноат ва савдонинг ривожланиши. Франция абсолютизмининиң хусусиятлари. Реформация. Таликан черкови. Фукаролар уруши ва унини боскичлари. Париж лигаси. Генрих IV 1614 йилда Бөш штатлар. Людовик XIII ички ва ташки сиёсати. Франция маданияти.

### XVI-XVII аср биринчи ярмида ҳалқаро муносабатлар

XVI асрда ҳалқаро муносабатлар. Дипломатик хизматнинг тузилиши. Ҳарбий ва сиёсий қарама-каршилик. Ўттиз ийлик уруши. Урушинин түртничи (фран-швед) даври. Вестфалия сұлханы.

### XV-XVII асрларда Марказлашган Рус давлати

Рус князьларини Москва одыза бирлашуви. Рус давлатидаги марказлашиш тизими. Мұгул-татар истиблодидан ҳалс бўлиш. Феодал муносабатларнинг шаклланиши. Княз Иван III даврида Москва давлати. Василий III-нинг ички ва ташки сиёсати. Иван IV Грозийининг ички сиёсати (опрочини). Ливония уруши. Борис Годуновининг хокимиятта кезици. А. новодиевлар даври. Сохта Дмитрий I. Василий Шуйский. Сохта Дмитрий II (Пущино ўтраси). Иван Балотников кўнголуни. Речь Посполиты интэрвенцияси. Романовларни хокимиятта келиши.

### XVI-XVII аср биринчи ярмида Германия

Реформация даври ва Буюк дехконлар уруши. XVI аср бошларида Германияннин иктисодий тузуми. Ижтимоий зиддиятнинг кескинилашиши. Реформация арафасида католик черкови. Германияда инсонпарварлик. Немис реформаторлари. Мартин Лютер. Реформаторларнинг ажралishi. Томас Мюнцер. Дехконлар уруши ва унинг якунлари. Лютер реформацияси. Дехконлар урушдан кейин анабаптистлар. Мюнстер коммунаси. Шталькауден уруши ва Аугсбург дини сұлхы.

XVI аср иккинчи ярмида иктисодий инкороз. Дехконларнинг ахволи. Аугсбург сұлхидан кейин империя ва князлар. Германияда сиёсий кураш. XVI-XVII аср бошларида Германия маданийеті.

### **ЯНГИ ДАВР (Осиё ва Африка мамлакатлари)**

#### **Янги даврда Осиё ва Африка мамлакатларининг иктисодий ривожланиши: асосий йұналишлар ва тенденциялар**

Осиё ва Африка мамлакатлари жамиятларининг структурасига ташки таъсир. Европалистарнинг ташкиттік-технологик устулліги. Савдо-харбий таянч нұкталарнин барып этилиши. Төңгиз савдо шартномалари. Метрополиядан арzon соноат махсуслотларнинг оқиб келиши ва маҳаллій ишлаб чыкаришинин оғир ахволи. Модернизация күлишта уриништар. Иктисодий ривожланишинин ички түсіклари. Мажбурий мекнэттден кені фойдаланиши. Давлатнинг иктисодий жараёнларга хаддан ташкари аралашуви. Транспорт инфрату үзілесмениннің заңғы ривожланғанлығы. Осиё ва Африка мамлакатларинин ағар махсуслотлар ва хом ашө манбаға айланышы. XIX асарнин охирғы чорагида айрим мамлакатларда иктисодий үсіш учун кулагай шарондларнин пайдо бўлиши. Транспорт харажатларинин арзоналашиши. Мекнэт ва табиий ресурслардан кені фойдаланиши. Айрим мамлакатларда либерал ислохотларнин амалга оширилши. Инфрату үзма ва транспорт коммуникациялари соҳаларидаги ўзғаришлар. Чет жыл сармояларнин кириб келиши. Ички сармоялар. Ташки савдонинг үсіши. Иктисодий ривожланинин бир текисла эмаслиги ва асосан экстенсив тавсифға эта экантығы.

#### **Янги даврда Осиё ва Африка мамлакатларининг ижтимоий эволюциясы**

Ижтимоий эволюциянин тавсифий хусусиятлари. Шарқ мамлакатларининг ривожланиши масалалари бойича тарихшунусык мактабларинин түрли әңгашувлари. "Формацион" ва "цивилизацион" әңгашувлар ургасында бағыт. Ташки таъсир масаласи. Мустамлакачилек ва Шарқда ижтимоий ўзғаришлар. Осиё ва Африка мамлакатларыда үтіш даврининде уюқ давомли тавсифи. Шарқ жамиятларининг ижтимоий иктисодий ранг-бараганлығы ва мұстахкам күп үкладтығы. "Маданияттар

каршилиги" омили. Осиё ва Африка мамлакатлари жамиятларида давлат ва диннинг тутган ўрни.

### **Янги даврда Осиё ва Африка мамлакатларида сиёсий ва диний вазият**

Осиё ва Африка мамлакатларининг сиёсий эволюцияси. Ички сиёсий ривожланишлаги муаммолар. Гарб давлатларига нисбатан муносабат. "Елик давлат" сиёсати. Хокимиятни марказлаштиришга интилиши. Ички сиёсий курашлар. Шарқ мамлакатларининг ўзаро курашлари. Осиё ва Африка мамлакатларининг Гарб томонидан "очилиши". Осиё ва Африка мамлакатларининг мустамлака ва ярим мустамлакаларга айлантирилиши. Мустамлакачилик тизими ва миллый – озодлик кураши шакллари. Дин ва ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар. Осиё ва Африка мамлакатларида миссионерлик фаолияти ва унга муносабат. Диний ислохотчилик жараёнлари.

### **XVII аср ўртасида -XX асрнинг бошида Япония**

XVIII асрнинг ўрталарида Япониянинг иктисолий ахволи. Токугава давлати. Яккаланиш сиёсати. Савдо-сотикнинг ривожланиши. Феодал хўжалик инкиrozининг кучайиши. Мануфактуранинг ўсиши. Дехконлар ахволинин оғирлашуви ва уларнинг оммавий равишда шахарга кетиб котиши. Дехконлар ва хунармандлар кўзголонлари. Токугава тартиботи. Япония ва гарб давлатлари. Рус-япон муносабатлари. Сёгунат даврига Япония маланияти. 1867-1868 йиллардаги инцилоб. Америка. Англия ва Франциянинг Япония ички ишларига аралашуви. Тенгиз шартномалар. Токугава тартиботига карши харакат. Фукаролар уруши ва Сёгунат тартиботининг туташи. Янги ҳукумат ва унни сиёсати. Агарар ислохот. XIX асрнинг 60-90 йиллари - XX аср бошида Япония. Японияда ички-иктисодий тараккиётнин хусусиятлари. Замонавий саноатни вужудга келтиришда давлатнинг роли. 1868 йил инцилобинин ижтимоий-иктисодий шартшароитлари. Дехконлар харакати. Самурайлар кўзголони. Сиёсий партияларининг вужудга келиши. 1881 йилги Конституция. 1894-1895 йилларидаги Япония-Хитой уруши. Япониянинг ташки сиёсати. Япония биринчи жаҳон уруши йилларида

### **XVII аср ўртасида- XX асрнин бошида Хитой**

XVII асрнинг ўрталарида ижтимоий-иктисодий ва сиёсий вазият. Манъжур ҳукуматинин ички сиёсати. Цинь империясинин аграр сиёсати. Савдо-сотик, мануфактура, хунармандистик ва шахарларига ижтимоий ахвол. Манъжур ҳукмдорларинин босиб олиш сиёсати. Цинь сулоласининг ташки сиёсати. Хитойнинг яккаланиш сиёсати. Хитой халқинин Манъжур

хукмдорларига карши кураши. Цинь империясининг иктисодий ва сиёсий ахволи. Гарб мамлакатлари ва Хитой. Биринчи инглиз-хитой (афғон) уруши. 1842-1844 йиллардаги тенгиз шартномалар. Дехконлар урушининг бошланиши. Тайпинлар ва уларнинг ички ва ташки сиёсати. Цинь хукумати ва Гарб давлатлари. Тайпин давлатининг кулаши. Халқ харакатлари. Дунган-уйгур кўзғолони. Ёкуббек ва унинг сиёсати. Хитой ва Марказий Осиё давлатлари. Иктисодий ва сиёсий муносабатлар. XIX аср охири -XX аср бошида Хитой. Хитойда янги ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг шаклланиши ва уларнинг хусусиятлари. Кан Ювей раҳбарлигига ислохотчилик харакати. Сун Ятсеннинг биринчи ташкилоти - "Хитой уйғониши иттифоки". Ихтуанъ кўзғолони ва унинг мағлубиятга учраши. 1901 йилда тузиған "Якупловчи протокол" ва Хитойнинг яриммустамлака холига тушиб колиши. XX аср бошларидага Хитойда иктисодиётнинг ривожланиши. 1905-1907 йилларда Хитойда норозилик харакатларнинг ўсиши. "Бирлашган иттифок" (тукмен). Сун-Ят-Сенниң "З тамойли". Синхай инкілобининг бошланиши. Цин саройининг сиёсати. Республика хукуматининг тувилиши ва Сун Ятсеннинг вактинча президент килиб салланиши. Цинь судодаси хокимиятининг тутатилиши. Юан Шикайнинги хокимиятга келиши. Гоминьданнинг ташкил бўлиши. Биринчи жаҳон уруши йилларидага Хитойнинг сиёсий ва иктисодий ахволи.

### XVII аср ўртасида -XX аср бошида Хиндиистон

